



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «ЖЕНЕРАЛ ЭЛЕКТРИК» КОМПАНИЯСИ ВИЦЕ- ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 март куни АҚШнинг етакчи компанияларидан бири «Женерал Электрик» компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллеттни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ишбилармон доираларининг узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қизиқиши ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Яқинда Тошкентда АҚШнинг «Женерал Электрик», «СиЭнЭйч Индастриал», «Катерпиллар», «Ханвелл», «Проктер энд Гэмбл» ва бошқа етакчи компаниялари иштирокида Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг бизнес-форуми муваффақиятли ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон корхоналарининг иқтисодийнинг турли соҳаларида жаҳондаги етакчи технологик компаниялардан бири бўлган «Женерал Электрик» билан ҳамкорлиги энергетика мажмуи, фуқаро авиацияси ва соғлиқни сақлаш соҳаларини қамраб олган.

Учрашув чоғида ушбу компания билан узоқ муддатли, айниқса,

юқори технологик тармоқлардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва диверсификация қилиш истиқболлари муҳокама қилинди. Булар электр энергетика, нефть ва газ, электротехника sanoati, замонавий тиббий жиҳозлар ишлаб чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишлардаги янги дастур ва лойиҳалардан иборатдир.

Учрашувда мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Рональд Жеймс Поллетт самимий қабул ва икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаётгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, «Женерал Электрик» Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёригилни таъкидлади.

АҚШ компанияси вице-президентининг мамлакатимиз вазирликлари ва идораларида ўтказган учрашувлари якунида иқтисодийнинг турли соҳаларида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида меморандум имзоланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2017 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим ажлолларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўз олам муштақилик йилларида мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошларимиз орзиқиб қуталиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб қолди.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлиши Наврўзнинг юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуг айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент

шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсоннинг табиат билан узвийлигини, ўзини унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуг инсонлар, табаррук отахон

ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, қўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгилашни, қут-барақа, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлиши Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг қўламли ободончилик ва қўламли таътирлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар, цирк артистлари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш;

сайил дастурларини тайёрлашда халқ уйинлари, фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, элу юртнинг дилидан чуқур жой олган, қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни

тараннум этадиган қуй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджет таъминоти маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофчила ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 февраль

Муносабат ЮКСАЛАЁТГАН ҚАШҚАДАРЁ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи воҳа аҳлини янги марралар сари руҳлантирмоқда



2

Фармон ва ижро

«ҲАЗОРАСП» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ

аввало барқарор иш ўринлари яратилишига хизмат қилади

Президентимизнинг «Ургут», «Гиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони юртдошларимиз томонидан миннатдорлик билан қабул қилинди.

Эркин иқтисодий зона дегани нимани англатади? Бу зоналарда қандай корхоналар ташкил этилади, қандай маҳсулотлар ишлаб чиқарилади? Қанча иш ўрни яратилади?...

Газетамизнинг ўтган сонларида бу мавзуларга бағишланган мақолалар эълон қилинган эди. Бугун «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси имкониятлари ва истиқболи билан таништирамиз.

3

Салқин саҳарларда, бодом гулида
Бинафша лабида, ерларда баҳор,

Қушларнинг парвози, елларнинг пози,
Баҳмал водийларда, қирларда баҳор.



Фаруқ АЛИЕВ олган сурат.

БАҲОР ВА ЗУЛФИЯ

Зулфияхоним ҳайкали ўрнатилган майдонда улуг шоира
таваллуд куни муносабати билан тантанали маросим ўтказилди

Ўзбек халқининг сеvimли шоираси Зулфияхонимнинг таваллуд айёми муносабати билан 1 март куни шоира ҳайкали ўрнатилган майдонда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги турли вазирлик ва идоралар, иккунчи ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари, ёшлар йиғилди.

Тадбир аввалида йиғилганлар шоиранинг ҳаётлик пайтида ёзиб олинган ўзи ўқиган шеърлардан намуналар тингладилар.

Анжумани Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фариди Абдураҳимов ва кўриш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева, Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али ва бошқалар Зулфияхонимнинг ибратли ҳаёти ва сўнмас ижодининг умрбоқийлиги, жозибаси, илмий, тарбиявий аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

— Улуғларга ҳурмат кўрсатиб, иззатини жойига қўйган одамларгина эл ичра обрў-эътибор, шону шухрат топади ва шоғирларининг меҳри, соғинида яшайди, — дейди Ўзбекистон халқ шоираси, Олий Мажлис сенати аъзоси Энахон Сиддиқова. — Мен бундан қирқ йил олдин Ёзувчилар уюшмасида ўтқа-

зилган семинарда шеър ўқиб, устоз назарига тушганман. Зулфияхоним мен каби қўллаб-қувватловчи буюк устози ва унинг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш биз учун ҳамиша фарз ва қарзидир.

Зулфиянинг илк шеърли тўплами — «Ҳаёт варақлари» 1932 йилда чоп этилган бўлса, ундан кейинги йилларда нашр этилган китоблари юракларга шалоладай кириб борди. Шоира ўз умри давомида қўллаб-қувватловчи дурдоналарини ўзбек тилига ўғирди. У халққаро Жавоҳирлар Неру, «Нилуфар» мукофотлари ҳамда Болгариянинг «Кирилл ва Мефодий» орденига сазовор бўлган.

— Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг ижоди, уларнинг ибратли ҳаёти ҳар биримиз учун ўрнак бўла олади, — дейди тадбиркор Манзура Йўлдошева. — Мен ҳар йили баҳорнинг биринчи кунинда шу ерга келиб, улуг шоирамиз ҳайкали пойига гул қўяман.

— Бугун Зулфияхонимнинг инсоний

баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғуларга ҳамоҳанг бўлган асарлари ҳар бир хонадонда севиб ўқилади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова. — Шоиранинг ижод намуналари жаҳон халқларининг қўллаб-қувватловчи тарқимида қўллаб-қувватловчи бўлиб келмоқда. Шунинг учун бу шоирамизни «Садоқат қўйиши», деб эъзозлаймиз. Зулфия лирикасида самимият, ростқўйлик, ўқувчига нисбатан эҳтиром туйғуси бешиққа кучли.

Зулфия ҳаёти ва ижоди юксак қадрланиб, унинг номида Давлат мукофоти тасвир этилган. Бу йил ана шу мукофотга сазовор бўлган 240 нафар Зулфияхоним қизлари сафига яна 15 нафар истеъдодли қиз қўшилди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар, В.Успенский номидаги Республика иқтисодлаштирилган мусика академик лицейи ўқувчилари ижросида шоира шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар қўйилди. Анжуман якунида кенг жамоатчилик томонидан Зулфияхоним ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗХДП «Истиқбол»
ёшлар қаноти

«ЁШ
СИЁСАТЧИ —
2017»

кўрик-танлови
бошланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови партия олдида қўйган мақсад ва вазифаларини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўтган йиллар давомида танловда 102 минг нафар йигит-қиз иштирок этган бўлса, бу йил танловда қатнашиш истагини билдирганлар сони 20 мингдан ошди. Бу танловнинг нуфузи тобора юксалаётгани, ёшлар орасида оммалашиб бораётганидан далолат беради.



2014 йилдан бери танлов бошланғич партия ташкилотларида ҳам ўтказилмоқда. Туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларидан сўнг 14 нафар энг ташаббускор, билимли ва омадли йигит-қизлар танловнинг республика босқичида ўзаро куч синашади.

Жорий йилнинг 1 мартдан «Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловининг дастлабки, яъни бошланғич ташкилотлар босқичи бошланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши Матбуот хизмати.



Саломатин ИСОМИДДИНОВ ва ўз оғли султанир.

ЮКСАЛАЁТГАН ҚАШҚАДАРЁ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи воҳа аҳлини янги марралар сари руҳлантирмоқда

Китоб туманида яшаётган тажрибали боғбон дўстим Фуломжон Эрназаров шундай дейди:

— Бир неча кундан буюн телевизордан кўз уза олмаймиз. Набираларим «Ана, Президентимиз янги уйга бордилар, битта қизалоқни қўлларига кўтариб, эркаладилар», дейишади чуғурлашиб. Бола қалби бегубор. Яхшиликни ҳам, меҳрни ҳам дарров ҳис қилади... Мен узоқ йиллар хўжаликда ишладим, дон экдим, пахта етиштирдим, боғлар яратдим. Ҳозир ўғлим Ойбекжон фермер хўжалигини бошқараяпти. Яхши ният билан 34 сотих ерда терак ўстираяпмиз, бир-икки йилдан кейин 3-4 минг дона қурилишбоп ёғоч бўлади. Давлатимиз раҳбари нимага даъват этипти? Астойдил меҳнат қилиб, янада фаровон яшашга, янги, яхши уйларда истиқомат қилишга... Шунчалик улкан режалар тузиб берганларини газетадан ўқиб, қалбимда чексиз фахр уйғонди. Уйда ўтиролмадим, олма ниҳоллари уйғонаётган боғимизга йўл олдим...

Эрталаб Қарши туманида эдик. Бозор кўни бўлса-да, атрофда иш қайнайди. Йўл-йўлакка дарахларга шакл бераётган, кўчат экётган, иссиқхонасида меҳнат қилаётган одамларни кўриб, ростки, севиндим. Мирмирон массивига бундан уч йил бурун келгандим. Бу ерда қурилган намунали уйлар 400 дан ортиқ, замонавий қишлоқ. Давлатимиз раҳбари Қарши туманида бўлганида кўлаб иссиқхона бўлиб қолган, жумладан, шу массивда истиқомат қилувчи аҳоли учун 25 гектар майдонда ташкил этиладиган иссиқхона «режаси билан ҳам танишган эди. Лимон, мандарин, папая каби цитрус мевалар, помидор, бодринг, гулқарам, ҳар хил кўчатлар экиладиган иссиқхонада ҳар йили 3 миллиард сўмгача маҳсулот етиштириш мўлжалланган.

Шу массивдаги ўнлаб кичик, аммо яхши иссиқхоналарни кўрсатишди. Тадбиркор Дилбар Икромов 17 сотихли иссиқхонасида помидор кўчатлари етиштиратган экан. Унинг ёнида «Турди-Муаззам сервис» оилавий корхонаси раҳбари Адхамжон Ёгамбердиев 12 сотих ерда иссиқхона қуриб, бодринг кўчатлари ўстиряпти.

Президентимиз туманимизга келганидан жуда севиндик. У киши тадбиркорларга ҳамма шароитни яратиб бераёпти. Илгари ҳар хил қурилиш ашёлари етказиб берадидик. Қизилқум, ҳовлимида 2 сотихли иссиқхона қурдим. Лимон экканман. Яна банкдан 40 миллион сўм кредит олиб, худди шундай иссиқхона барпо этиш нияти бор, — дейди Адхамжон.

Кредит масаласи ҳал бўлган, — дарров изох беради ҳамроҳим, Қарши туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳасан Турдиев. Унинг мулоҳазаларига қўлоқ тутаман. — Туман аҳолиси 232 минг кишига яқин. Жами 717 фермер хўжалиги тузилган. Ҳозиргача 187 гектар майдонда 483 та кичик иссиқхона ташкил этилган. Ривожланиш дастурига кўра, 174 иссиқхона лойиҳа амалга ошади. Кичик саноат корхоналари, паррандчилик, қўйчилик, балиқчилик ривожланаётганидан барча манфаатдор.

Тадбиркор Адхамжон яратган қўлай мосламани кўздан кечириман. Кичик ариқдан келадиган сув 10 тонналик ҳовузни тўлдирар, кейин иссиқхонадаги ниҳоллар томчилатиб сугорилган экан. Бу сув Қарши магистрал каналидан келаркан.

Президентимиз «Қарши насос станциялар каскадини қайта ишлаш — III фаза» лойиҳаси билан танишди, зарур маслаҳатлар берди. Бу улкан лойиҳа амалга ошса, сув ва энергия сарфи анча камади.

Давлатимиз раҳбари Қарши туманида барпо этилаётган «ЛТ Текстиль Интернейшнл» Ўзбекистон — Хитой — Нидерландия қўшма корхонаси лойиҳаси билан танишди, — дейди «Ўзбекистон насос» акциядорлик жамиятининг Қашқадарё вилоятдаги вакили Остонакул Аллаёров. — Йилига 22 минг тонна сифатли ип қалава ва 50 миллион квадрат метр ип газлама ишлаб чиқарадиган ушбу корхона ҳадемай ишга тушади. Воҳа мамлакатда пахта етиштиришда етакчи бўлса-да, ҳозиргача мавжуд 7 та корхонада 10 фоиз тола қайта ишланарди, холос. Келгусида яна ўнлаб янги корхоналар бунёд этилади ва бу кўрсаткич 67 фоизга етади. Тармоқда 3 минг иш ўрни яратилади. Бундай корхоналар Яккабўғ, Ғузур туманлари, Қарши шаҳрида қуриляпти. Муборак туманида йилига 8 миллион дона пайпоқ тўқийдиган корхона қуриб битказилди. Китоб туманида йилига 3 минг

тонна қалава тайёрлайдиган фабрика ишляпти. Келгусида унинг қуввати 2 баробар ошади.

Остонакулнинг мулоҳазаларини тинглар эканман, мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўрин тутадиган саноат корхоналари ҳақида ўйлайман. Президентимиз назаридан ўтказган, имкониятларини ошириш юзасидан зарур маслаҳатлар берган лойиҳалар қўламини тасаввур қилишга уринаман. Бундан анча йил олдин Ғузур туманининг Шўртан даштида барпо этилган «Шўртан газ-кимё»



мажмуаси қурилишини бир неча бор кўрган эдим. Эндиликда бу жойда «Ўзбекнефтегаз» компанияси таъсислигида мега лойиҳа амалга ошади. Натижада тозаланган метан негизда «Евро-5» талабларига мос 1,5 миллион тонна синтетик ёқилғи ишлаб чиқарилади. Янги турдаги маҳсулотлар тайёрланиши натижасида келажақда кимё, машинасозлик, фармацевтика, қурилиш ва тўқимачилик тизими жадал ривожланади.

Қашқадарё вилоятда чорвачилик яхши йўлга қўйилган. Фермер хўжаликлари, аҳолининг чорва моллари мунтазам кўпайиб бораёпти. Хориждан зотли қорамоллар келтириляпти. Аммо терини қайта ишлашга эътибор берилмас эди. Китоб, Дехқонobod, Найшон туманларида чарм-пойабзал тайёрлайдиган 5 та корхона қурилади. Қарши шаҳридаги «Қарши лазер» корхонасининг ўзи йилига 1 миллион дона терини қайта ишлаб, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотларига айлантиради.

Юрилинг, янги уйларимизни кўрасиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси Қарши туман бўлими раҳбари Полвон Тўлиев. — Унинг касби журналист, узоқ йиллар туман газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган. Биргаликда икки қаватли янги уйга етиб келганимизда, гапни гапга уладим:

Биласизми, мана шу биринчи қаватдаги уч хонали уйнинг соҳиби Хуршид Шарипов ва рафиқаси Меҳринисо Ҳайдароваларнинг никоҳ тўйи маросимини бир пайтлар ўзим бошида туриб ўтказиб берган эдим. Кўзлари оғир, ногирон, аммо интилиб, иккалалари ҳам олий маълумот олишган. Меҳринисо келин ҳозир Қарши шаҳрида кўзи оғирлар мактабиди ишлайди. Ўғил ва қизлари бор.

— Хуш келибсизлар, — дея хурсанд кўтиб олди Хуршиджон. — Давлатимиз раҳбарининг уйимизга келишини ҳаёлимизга келтирмаганмиз. Кўзим оғир, аммо келиб сўрашганларида, уларни кўргандай бўлдим. Раҳбаримизнинг қалби эзгуликка тўла, ниятлари — одамларнинг ҳаётига ёруғлик, яхшилик, қут-барака олиб кириш. Фарзандларимизнинг севинганларини айтмайсизми!..

Президентимиз бизнинг хонадонимизда ҳам меҳмон бўлди, — дейди бир қаватли янги уйга кўчиб кирган Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театрининг овоз режиссёри, 32 ёшли Алишержон Аҳмедов. — Келиннинг Ферузахон вилоят мусикали драма театрида ишлайди. Ўғил ва қизимиз бор. Очиги, олган маошимизга уй олишимиз кийин, янги уйни орзу ҳам қилмаганмиз. Мана, шундай кўнлар келаркан, арзонлаштирилган уйнинг дастлабки бадалини тўлаб, банкдан кредит олди ва янги уйли бўлдим. Мамлакатимиз раҳбари шундай самимий, меҳрибон эканки, уйимизга давлат қўнди. Қизчамазини бағрига босиб, эркалади. Биз бу кунни ҳеч қачон унутмаймиз.

Қарши шаҳри... Биз шаҳарнинг Гулшан маҳалласига етиб келганимизда, қуёш тикка кўтарилган эди. Маҳалланинг янги идораси олдида одамлар гавжум. Сўрашдик ва сўхбатлашдик. Маълум бўлишича, маҳалланинг эски биноси ўрнида 4 қаватли янги уй

соҳаларга дахлдор муҳим лойиҳалар муҳокама қилинди ва истиқболли режалар белгиланди. Бу борада фаоллар, соҳа мутахассислари, жонқуярлар ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Саломат Комилова, «Қаршимебель» МЧЖ раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гuruhу аъзоси:

— Фаоллар йиғилишида кўнглимдан энг аввало нима ўтганини айтмайми? Шукроналик! Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янги даврда жадал ривожлантириш, халқимизга муносиб фаровон ҳаёт ярати беришга бел болаган давлатимиз раҳбаридан миннатдорлик тўйғуси... У киши Қаршида Биринчи Президентимизга ёдгорлик ўрнатиш, унинг жойини танлаш борасида маслаҳатлашганида жуда ҳаяжонландим... Халқига астойдил хизмат қилган улуг зотларнинг иши ва номи унутилмайди.

4 нафар фарзандим бор. Ҳозир корхонамизда 23 киши меҳнат қилляпти. Янгидан алоҳида меҳнат сотиладиган дўкон қураёلمиз. Яна кўлаб орзуларимиз бор.

Очил Халилов, «Қашқадарё Дори-дармон» акциядорлик жамияти қузув кенгашининг раиси:

— Эл соғлиги — юрт бойлиги. Бу — азалий ҳақиқат. Юртимизда тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Даволаш ишларини зарур дори-дармонларсиз олиб бориш

самарали фойдаланиш, табиатни асраб-авайлаш ишларини пухта ташкил этишни талаб этади.

Иzzатилла Зайниев, Қашқадарё вилоят давлат санитария-эпидемиология маркази бошлиғи ўринбосари:

— Атроф-муҳитнинг тозаллиги инсон саломатлиги, айрим хавфли касалликлар тарқалмаслигининг ишончли омилдир. Давлатимиз раҳбари Қарши туманида қуриладиган чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси аҳамияти ҳақида гапирди. «Нишон кўзгу» кўп тармоқли фермер хўжалиғи томонидан Қарши шаҳрида автоматлаштирилган қушхона қурилди. Раҳбаримиз бундай қушхоналарни бошқа жойларда ҳам қуриш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар. Бунинг аҳамияти шундаки, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни тоза сақлаш имкони яратилади. Биз бу борада берилган кўрсатмаларни амалга ошириш мақсадида шифо корхоналаримизни вилоятдаги барча маҳаллаларга бириктириб чиқдик. Бу ҳақиқий аҳволдан худлик билан хабардор бўлиш, касаллик келтириб чиқарадиган ҳолатларни тезда бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Шухрат Курбонев, Қашқадарё вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи:

— Мамлакатимиз раҳбари вилоятдаги қурилиш ҳамда ободончилик ишлари бўйича кўлаб зарур маслаҳатлар берди ва тақлифларини билдирди. Жумладан, янги сув хавзаси қурилиши жадал олиб борилади. Қарши шаҳридаги Жайхун кўчасида 5 қаватли ва 45 квартиралари уйлар арзонлаштирилган эди. Энди бундай уйларни қуриш яна кўпаяди. «Ёшлар қўли» ёқасида 3 та 5 қаватли янги уй қурилади ҳамда кўл атрофи обод қилинади. Алишер Навоий номли истироҳат боғида замонавий аттракционлар ўрнатилади. Воҳада тарихий обидлар, қадамжолар кўп. Шулардан бири Абул-Муъйин Насафийнинг Қарши тумани Ковчин қишлоғидаги мақбарасидир. Давлатимиз раҳбари бу зиёратгоҳни обод қилиш юзасидан қимматли тақлифларни берди.

Ўроз Хайдар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари:

— Барчамиз давлатимиз раҳбарининг Абдулла Орипов хотирасини абадийлаштириш учун ёдгорлик ўрнатиш, алоҳида музей ва шоир номидаги ёш ижодкорлар мактабини ташкил этиш ҳақидаги тақлифни ҳаяжон билан эшитдик. Абдулла Орипов озоликини, мустақил Ўзбекистонни ёниб қўйлаган, нодир асарлар яратган буюк шоир эди. Бундай улуг инсон хотираси абадийлаштирилиши халқимизнинг қалбиди ифтихор, шукроналик туйғуларини кучайтиради, ёш авлод тарбиясида ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади...

ЎзХДП Шаҳрисабз туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати Дилшод Ёров «Шаҳрисабз» логистика маркази ҳақида гапириб берди. Уни бунёд этишга тадбиркор Ақром Аҳмадзонов бош-қош экан. «Қушқар» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан марказ учун ер ажратилибди. Мева-сабзавотлар етиштириш, қайта ишлаш ва йилига 25 минг тонна маҳсулотни экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Бундай режалар Чироқчида ҳам амалга ошаётганини туман ҳокимининг ўринбосари, партиямиздан вилоят Кенгаши депутати Дурдона Акбарова ҳам ҳаяжонланиб ҳикоя қилди. Кўп янгиликларни кўриб, қузаитиб, Китоб туманига қайтдик.

Хуллас, ҳозир вилоятнинг қайси худудиди бўлманг, ким билан гаплашманг, янги режалар, орзулар ҳақида эшитасиз. Хурсанд бўлманг. Тадбиркорликка қўл ураётган юзлаб, минглаб серғайрат ҳамюртларимиз, истиқболли корхоналар, бунёд бўладиган замонавий шифохоналар ҳақида ўйлайман. Жонажон Ўзбекистонимизнинг янада юксалаётгани, унинг қудратли таянчларидан бири Қашқадарё аҳлининг бугунги ғайрати, шижоатидан қалбим ғурурга тўлади. Наҳот — меҳнатда, орзу қилишда. Буюк шоирнинг айтгани ёдга тушади:

— Серқуёш хур ўлкам, элга бахт, наҳот!..

Юнус УЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист.

Ислохотлардан кўзланган бош мақсад — одамларнинг ҳаётига ёруғлик, яхшилик, қут-барака олиб кириш.

«ХАЗОРАСП» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ

аввало барқарор иш ўринлари яратилишига хизмат қилади

Президентимизнинг «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ҳудудларда саноатни ривожлантириш йўлида яна бир тарихий қадам бўлди.

Хазорасп Хоразм вилоятининг чекка ҳудуди ҳисобланиб, бу ерда 235,7 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Иқтисодий фаол кишилар 99,2 минг нафарга яқин бўлиб, шундан қарийб 94 минг нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлайди. Туманда 2016-2017 ўқув йилида 3,8 минг нафар йигит-қиз ўз мутахассисликлари бўйича меҳнат бозорига кириб келмоқда.

— Президентимиз фармони тадбиркорлар учун катта имкониятлар эшигини очмоқда, — дейди **Хазорасп туман ҳокими ўринбосари Максуд Раҳимов**. — Божхона ва солиқ тўловлари бўйича берилган имтиёзлар инвесторлар, аввало, хорижий сармоядорлар учун қўлай бизнес муҳитини яратди. Хар бир хорижий инвестор учун биринчи навбатда ўзи киритган сармоясини белгиланган муддатларда қоплаш ва соф фойда олиш имконини беради. Хозирнинг ўзидаёқ «Хазорасп» эркин иқтисодий зонаси учун ташаббускорлар томонидан умумий қиймати 87,6 миллион АҚШ доллари қийматидаги 35 лойиҳа тақдим қилинди. Шундан 17 таси жорий йилда ишга тушириладиган лойиҳалар ҳисобланади. «Питнак-панел» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси йилига 1 млн.кв.м. пенополистрол блоклари ва сандвич панелларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир қўшма корхона ташкил этмоқда. 70 янги иш ўрни яратилган мазкур қўшма корхонанинг умумий қиймати 3,6 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бунинг 1,8 миллион АҚШ доллари чет эл инвестицияси ҳисобидан бўлади. Масалан, «Маъруфжон Хазорасп сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан йилига икки юз минг донга автомобиль

эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ташкил қилинади. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 300 минг АҚШ доллари бўлиб, унинг ярмиси ўз маблағлари ҳисобидандир.

Юқорида тилга олинганлар фақатгина жорий йилда иш бошлайдиган корхоналар бўлиб, салкам саккиз юз нафар кишини муқим иш билан таъминлайди. Умуман, сўнгги йилларда вилоятда бунёдкорлик ишлари кескин кўпайди. Хоразмнинг саноат салоҳиятини ошириш, Урганч шаҳрини қайта қуриш бора-борида қарорлардан сўнг вилоят улкан қурилиш майдонига айланди. Шу билан бирга, энг муҳим қурилиш хомашёси бўлган цементнинг бошқа ҳудудлардан ташиб келтирилаётгани шаҳар учун катта қийинчиликларни туғдираётган эди.

«Хазорасп» эркин иқтисодий зонаси таркибига кирувчи корхоналардан бирида айнан юқори сифатли цемент тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. «Гранд Кристал Групп» масъулияти чекланган жамияти тақдир этган биринчи лойиҳага кўра, йилига 300 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга корхона бунёд этилади. Бу лойиҳани амалга ошириш учун хитойлик ҳамкорлар томонидан 16 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилади. Ушбу корхонада 200 янги иш ўрни

яратилиши кўзда тутилган. Ишлаб чиқарилган цемент вилоятдаги қурилиш ташкилотлари ва аҳолига етказиб берилади.

«Гранд Кристал Групп» МЧЖнинг иккинчи лойиҳаси йилига беш минг метр куб ҳажмдаги темир-бетон маҳсулотларини тайёрлашга мўлжалланган. Лойиҳанинг қиймати 750 минг АҚШ доллари тенг. Бу ҳам қурилиш ташкилотлари учун жуда катта мадад бўлади.

Тадбиркор Улугбек Қозоқов берилаётган имтиёз ва қўлайликлардан руҳланиб, катта режалар тузаяпти. У тўлқинланиб, шундай фикрларни билдирди: — Эркин иқтисодий зона сармояси бор ташаббускорлар учун жуда катта имконият яратади. Мен ҳам ўз лойиҳамни

ташкил қилишни кўзлаб турибмиз. Эркин иқтисодий зонада ўттиз йил давомида солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича бериладиган имтиёзлар ишимиз ривожига катта мадад бўлади.

Тадбиркор Шухрат Маҳмудов ҳам суҳбатимизга қўшилди:

— Хитойнинг «Океан» компанияси билан йилига икки миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга қўшма корхона ташкил этилган. 30 киши ишлайдиган қўшма корхона ташкил қилиш учун 1 миллион 60 минг АҚШ доллари зарур бўлса, шунинг тенг ярмига чет эл инвестицияси жалб этилади. Тенг шериклик асосида қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг бир қисмини

«Хазорасп» эркин иқтисодий зонаси учун ташаббускорлар томонидан умумий қиймати 87,6 миллион АҚШ доллари қийматидаги 35 та лойиҳа тақдим қилинди. Шундан 17 таси жорий йилда ишга тушириладиган лойиҳалар ҳисобланади.

амалга оширишга киришяпман. Йилига саксон минг донга аёллар ва эркаклар қўйлаги ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона очаяпман. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 300 минг АҚШ долларини ташкил этади. Маблағнинг бир қисми ўз ҳисобимдан бўлса, бир қисмини банкдан имтиёзли кредит сифатида оляпман. Корхонада 20 нафар хотин-қиз муқим иш билан таъминланади. Ишни изчил йўлга қўйган, имкониятларимдан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш қувватини оширишни қўшимча иш ўринлари

хорижа экспорт қилишни ният қилганмиз. Келгусида иқтисодий имкониятларимиз кенгайиб, ишлаб чиқариш қувватини янада оширишимизга ишонамиз.

Дарвоқе, «Хазорасп» эркин иқтисодий зонаси қўлай ҳудудда ташкил қилинмоқда. Бунинг учун Питнак шаҳарчасида 250 гектар ер майдони ажратилиши кўзда тутилган.

— Партиямиз ҳаракат дастурида ижтимоий муҳофазага жуда кенг ўрин берилган, — дейди **ЎХДП вилоят кенгаши бўлим mudiri, халқ депутатлари вилоят Кенгаши**

депутати Нодира Одамбоева. — Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоялашнинг энг мақбул йўли уларни муносиб иш ўрни билан таъминлашдир. Бу борада касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода вилоятимизда эркин иқтисодий зона ташкил қилинаётгани жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга. Бу ерда яқин йилларда ўттиз бешдан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ қилиниши белгиланган. Бу эса биринчи навбатда минглаб янги иш ўрни демакдир. Яқинда Питнак шаҳрида ёшлар билан ўтказилган давра суҳбатида эркин иқтисодий зонанинг аҳамияти ҳақида атрофлича маълумотлар беришга ҳаракат қилдик. Бу янгилик ёшларимизда жуда катта қизиқиш уйғотгани бизни қувонтирди. Улар ҳозирдан янги корхоналарда ишлаш истагидалар.

Вилоятнинг давлат аҳамиятидаги ҳамда ички йўлларини жорий таъмирлаш долзарб вазифалардан бирига айланган. Аксарият йўлларнинг таъмирталаб аҳволда эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу масалада йўл қурилиш ташкилотларининг имкониятлари бир қадар чекланган. Айни шу камчиликни тўлдирish учун эркин иқтисодий зона ҳудудида йўл қурилиши билан шуғулланувчи йирик қурилиш ташкилоти тузилади. 200 киши ишлаши кутилаётган бу йирик ташкилотни бунёд этиш, керакли техникалар билан таъминлаш учун 1,5 миллион АҚШ доллари қийматида маблағ сарфланади.

Биз эркин иқтисодий зонада маҳаллий тадбиркорлар ташаббуслари билан амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида сўз юритдик ҳолос. Булар ҳали бошланиши. «Хазорасп» эркин иқтисодий зонасининг истиқболи эса янада порлок.

Рўзимбой ХАСАН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

АРКТИКАГА

глобал исиш хавф солмоқда



Глобал исиш Арктика ҳудудининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини жиддий салбий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Бу ҳақда Калифорния университети олимлари маълумотларига таяниб russian.rt.com сайти хабар берди.


Олимларнинг қузатувлари шуни кўрсатдики, баҳорда муз қатлами юпқалашиши бир қатор ўсимликларнинг барвақт уйғонишига олиб келади, бу ушбу ўсимликлар билан озикланувчи жонотлар ҳаётига таъсир кўрсатади.

Биологик вақтдаги бундай ўзгариш кейин ўнглаб бўлмайдиган бошқа оқибатларга олиб келиши ҳам тахмин қилинмоқда.

Бундан олдинроқ океанларни тадқиқ қилиш маркази дунё океанида килсород ҳажми кейинги 50 йил ичда 2 фоизга камайганини қайд этганди.

ВУЛҚОН

отилиши давом этмоқда



Гватемалада Фуэго вулкони отила бошлади, вулқон кули 5 километргача балидликка кўтарилмоқда.

Televisa.com сайтининг маълум қилишича, ўртамеёна ва кучли портлашлар қайд қилинган. Вулқон кули Шимол ва Шарқ томонларга тарқамоқда. Шунингдек, учта лава оқими отилган, улар кратердан 300 метргача балидликка чиққан.

Кул қатлами яқин атрофдаги қишлоқларни қоплаган ва қўл ўтмай мамлакат пойтахтига етиб бориши мумкин.

Фавқулодда хизматлар фуқаролик авиацияси бошқармасига парвозларни тақиқлаш тавсия қилинган.

АЙЛАНУВЧИ

осмонўпар бино қурилади

Дубайда 2020 йилгача дунёдаги биринчи айланувчи осмонўпар бино қурилади. У 80 қаватдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири марказий ўққа нисбатан айланиб туради. Бу ҳақда obozrevatel.com сайти хабар берди.

Бу ўзига хос меҳмонхонада яшайдиган меҳмонлар ҳар бир қаватнинг ҳаракат тезлиги ва йўналишини оддий овозли буйруқлар билан ўзгариштириши мумкин бўлади. Таъкидланишича, бионинг балидлиги 420 метрни ташкил этади, бу уни Дубайда балидлиги бўйича иккинчи осмонўпар минорага айлантиради.

Айланувчи бионинг автоном тарзда қуваёт олишини таъминлаш учун 79 та шамол генератори ва қуёш батареялари ўрнатилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси ўқув-ўқув бўлими бошлиғи Саодат Умаровага онаси

Ашира АЛИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Миллий матбуот марказида

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан «Аҳолини қиш мавсумида табиий ва суолтирилган газ билан барқарор таъминлаш» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда компания раҳбарияти, масъул ходимлари иштирок этди.

Газнинг ҳам ҳисоби бор

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан республика газ ҳўжалигини 2016-2017 йилларда қуз-қиш мавсумига тайёрлаш доирасида бир қатор тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 68,6 километр газ қувурлари мукамал таъмирланиб, 171,9 километр газ қувурлари реконструкция қилинди. 70 минг 469 донга газ тақсимлаш пункти тафтиш қилинди, 7 минг 201,3 километр қувурлар босим остида синалди. Шунингдек, 5607,8 километр ерости қувурлари махсус ускуна ёрдамида текширилди ва 1690,4 километр газ қувурлари бўёқланди. Хозирги кунда компания томонидан 130 минг километрдан ортиқ газ қувурлари орқали 14 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётган 3 миллиондан зиёд уй-жой, 80 мингдан ортиқ улғуржи истеъмолчи табиий газ етказиб берилмоқда.

Ҳудудларда аҳолига суолтирилган газ етказиб бериш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2 миллион 500 мингдан ортиқ хонадон суолтирилган газ билан таъминланяпти. Тасдиқланган ҳававал доирасида аҳолига жорий қиш мавсумида 138 минг тоннадан ортиқ суолтирилган газ ва 155 мингдан ортиқ маийиш газ баллонлари етказиб берилмоқда.

Албатта, табиий газ бебаҳо бойлик ҳисобланади. Шундай экан, уни асраб-авайлаш, фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик барчанамизнинг бурчимизга айланмоғи лозим. Бунинг учун жойларда тарғибот ишлари олиб борилиб, табиий газдан ноқонуний фойдаланаётганларга нисбатан тегишли тартибда чора қўрилаяпти. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда мунтазам равишда қўшма рейдлар уюштирилиб, аниқланган ноқонуний ҳолатларга чек қўйилмоқда.

Матбуот анжумани доирасида «Ўзтрансгаз» АК фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Газ тўловига муносабат» номли видеофильм намойиш этилди. Шунингдек, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаш» мавзусида ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадлари назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа бўртманомалари қабул қилинади:

1. Жойларда қонунлар, фармонлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ижроси, ижро ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган функция ва вазифаларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг самарали механизмларини ва амалиётини ривожлантиришга қўмаклашиш;

2. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг ҳамда уларнинг муносабатларига таъминлаш қўмаклашиш;

3. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг ҳамда уларнинг муносабатларига таъминлаш қўмаклашиш;

4. Фуқароларнинг, айниқса, қишлоқ жойларида ва биринчи навбатда, ёшларнинг, аёлларнинг, кекса ёшдаги шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга, турли бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қўшма режаларни, дастурларни ва бошқа тадбирларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг турли бўғинлари билан ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

5. Қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлашда вертикал тизимга эга бўлган фуқаролик жамияти институтлари, тижорат банклари, бизнес субъектлари билан ҳамкорликни кучайтириш, уларни тадбиркорликнинг турли соҳаларига, шу жумладан, саноат товарлари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш мақсадида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни ривожлантириш кенгайтириш;

6. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва фискал органлар билан ҳамкорликда аҳолининг молиявий-иқтисодий саводхонлигини оширишга ва фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш тизимини шакллантиришга қаратилган амалий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

7. Жамиятда ҳуқуқий маданияти ва аҳолининг ҳуқуқий онини юксалтиришда, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга муросасизлик туйғусини кучайтиришда маҳаллий давлат вакиллари ва ижроия органлари ҳузуридаги комиссияларга қўмаклашиш, «Адолат — қонун устуворлигида», «Аҳоли муносабатлари — доимий эътиборда» шiorлари остида мунтазам равишда турли тадбирларни ўтказиш;

8. Аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтиришга, бўш вақтини самарали ўтказишни ташкил этишга қўлай шарт-шароит яратиш, барча даражадаги ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлашга қўмаклашиш;

9. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган қўшма дастурларни адвокатлар палатасининг, ҳакамлик судлари, солиқ маслаҳатчилари, бухгалтер ва аудиторлар уюшмаларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фахрийлар кенгашларининг ҳудудий бўлимлари билан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

10. Биринчи навбатда, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жиҳатидан нисбатан орқанда бўлган қишлоқ туманларида, алоҳида аҳоли пунктларида ҳудудларни комплекс ва интенсив ривожлантириш қўшма дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларга янги иш ўринларини, ижтимоий ва маийиш инфратузилмани яратишга, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга қўмаклашиш;

11. Аналик ва болаликни муҳофаза қилишга, оила институтини мустаҳкамлашга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қўмаклашувчи комплекс амалий тадбирларни амалга ошириш;

12. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ аниқ натижаларни ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштириш борасидаги жараёнларни кенг ёритишга қаратилган материалларни тайёрлаш ва чоп этиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан

Эркин иқтисодий зоналар барқарор иш ўринлари ташкил этилишида муҳим аҳамиятга эга.

Спорт

Ўзбекистон U-20 терма жамоасида ўйнашни истайсизми? Марҳамат.

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Хабарингиз бор, бу йил илк бор футбол бўйича U-20 Осиё чемпионати 16-26 май кунлари Таиландда ўтказилди. Ўзбекистон футбол Ассоциацияси ана шу мусобақага муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида ёш ўринчилар учун танлов эълон қилди. Унда 1997, 1998 ва 1999 йилларда туғилган ёшлар қатнаша олади.

Танлов 11 март кuni Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида 10:00да бошланади. Уни Ўзбекистон U-20 терма жамоаси бош мураббийи Хосе Мария Мендеснинг шахсан ўзи ўтказди. Кун давомида иштирокчилар турли йўналишдаги машқлар ва тест-синовлари орқали сараланади.

Бугунги кунда футболни ривожланган мамлакатлар бу усулдан доимий равишда фойдаланиб келмоқда.

Танловда мамлакатимизнинг исталган ҳудудидан ёшлар қатнашиши мумкин. Ўзингизни кўрсатинг, сизда футбол бўйича ёшлар терма жамоасига аъзо бўлиш имконияти бор.

ФАЛАБА ВА МАҒЛУБИЯТ



Осиё чемпионлар лигаси мусобақасининг гуруҳ босқичи 2-тур учрашувлари бўлиб ўтди. «Локомотив» ўз майдонида БААнинг «Ал Аҳли» клубига қарши баҳс олиб борди. Учрашувни хитойлик ҳакамлар бошқариб боришди.

Уйининг 20-сониясидаёқ ҳисоб очилди. Марат Бикмаевнинг чап қанотдан узатган тўпини Саламат Қутибоев боши билан дарвозага жойлаб қўйди. 57-дақиқага келиб эса Бикмаевнинг ўзи бирга-бир вазиятда дарвозабонни орда қолдириб, иккинчи голни урди. Уйин охирига қадар бир қатор ҳавфли вазиятлар бўлди аммо яқунда темирйўлчилар 2:0 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритишди ҳамда ўз гуруҳида 2 ўринга кўтарилди.

Яна бир жамоамиз «Бунёдкор» — «Ал-Айн» билан Тошкентда ўйнади. Ушбу баҳсни австралиялик Жаррет Жиллет бошқариб борди. Уйининг биринчи бўлими анча кескин рўҳда бошланди. Аввал 8 дақиқада Умар Абдулрахмон жарима тўпини Зухуров дарвозасига жойлаб қўйди.

11 дақиқада Вадим Чемиртан яқин масофадан боши билан дарвозани ишғол қилди — 1:1. 14-дақиқада Кайо жарима майдони ичидан гол урди — 1:2.

Биринчи тайм охирида Чемиртан чап қанотдан тўпини жарима майдонига узатди. Ҳамдамов дарвозани ишғол қилди — 2:2. Баҳснинг 88-дақиқасида Умар Абдулрахмон пенальтидан гол урди — 2:3. Шу тариқа «Бунёдкор» кетма-кет икки марта мағлубиятга учради ва гуруҳда сўнгги ўриндан жой олди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОШ МАҚСАД — ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кuni муносабати билан Тошкент вилоятида ҳам кенг миқёсли тадбирлар амалга ошириляётир. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари ва корхона-ташкilotларда жамоат тартибини сақлаш, ҳавфсизликни таъминлаш, жиноят содир этиб, суд ва тергов органларидан яшириниб юрган қидирувдаги шахсларни аниқлаб, ушлаш бўйича чоралар кўриляпти. Шунингдек, аҳолининг паспорт тизими қондаларига риоя этишларини таъминлаш, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ҳар бир маҳалла ҳудудида профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш, жамиятда қонун устуворлиги, адолат, тинчлик-осойишталик ва тотувликни қарор топтириш каби масалаларда учрашувлар ўтказилди.

Тошкент вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник Рустам Абдуллаев ва Чиноз тумани ИИБ бошлиги, подполковник Баҳодир Воитовлар ташаббуси билан Чиноз тумани ички ишлар бўлимининг соҳавий хизматлари, профилактика инспекторлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар, ҳокимлик вакиллари, хотин-қизлар кўмитаси, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, «Камолот» ЕИХ, ўзини ўзи бошқариш органлари, имом хатиблар билан ҳамкорликда 10 маҳалла, 3 мактаб, 2 касб-хунар коллежида учрашувлар ўтказилди.

Тадбирлар давомида ички ишлар органларининг махсус ҳисобида турувчи, диний экстремистик оқимга аъзо бўлган 14 нафар шахс, 19 нафар илгари судланган шахс билан профилактик суҳбатлар ўтказилди. «Давомат»

тадбирлари давомида 18 нафар ўқувчи сабабсиз дарсга қатнашмаётганлиги аниқланиб, 2 нафар ота-онага нисбатан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўрилиши учун ҳокимлик ҳузуридаги Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига юборилди. 12 нафар шубҳали шахс милиция пунктларига келтирилди, 18 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, тегишли чоралар белгиланди.

Ангрен шаҳрида профилактика инспекторлари учун қулай шароитлар яратиш, уларни уй-жой ва автоулов билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, Ангрен шаҳар ҳокимининг «Ангрен шаҳар ички ишлар бўлимининг Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими» профилактика инспекторларига хизмат уй-жойлари ажратиш тўғрисидаги қарори



асосида 10 нафар профилактика инспектори хизмат уйлари ва 5 нафари автомашина билан таъминланди.

Ангрен шаҳар ҳудудида жойлашган 18-сонли умумий ўрта таълим мактабида, «Тараққиёт», «Нуробод» ва «Гўзал» МФЙларда жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлиллар асосида ўрганилиб, уларнинг олдини олиш борасида аҳоли билан мулоқотлар ўтказилди.

— Асосий эътиборни содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларига қаратяпмиз, — дейди Ангрен шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Шухрат Шаҳабханов. — Келгусида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўзимиз учун зарур йўналишларни белгилаб олаётимиз.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида Чирчиқ шаҳар ҳудудида содир

этилган жиноятлар юзасидан Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиги Умид Шомасхудов ташкилотчилигида А.Темур, «Маданият», «Баҳор», «Юлдуз», «Кўёш», «Лола», «Ифтихор», «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ва шу ҳудудга бириктирилган масъуллар иштирокида жиноятларнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабаблари бўйича аҳоли билан учрашув ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, вилоятда ёнғинларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш, гиёҳвандлик, гуруҳбозлик ва жанжалга мойил ўқувчилар ўртасида алоҳида профилактик тадбирлар амалга оширилди. Тошкент вилояти перинатал маркази, вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси, Чирчиқ техника касб-хунар коллежи ва Чирчиқ санат касб-хунар коллежида шу каби учрашув ва мулоқотлар бўлиб ўтди.

Бундай тадбирларни вилоятнинг барча ҳудудларида ўтказиш режалаштирилган.

Нуриддин АБДУЛЛАЕВ, Тошкент вилояти ИИБ ходими, катта лейтенант.

Зулфиянинг «Ҳаёт варақлари», «Шеърлар», «Қизлар кўшиги», «Уни Фарход дер эдилар», «Ҳижрон кунларида», «Мен тонгни куйлайман», «Юрагимга яқин кишилар», «Куйларим сизга», «Шалол» каби шеърый тўпламларида Ватан ишқи, халқ ҳаёти ва турмуш тарзи, уларнинг фидокорона меҳнати юксак маҳорат ва меҳр-муҳаббат билан мадҳ этилган.

ЗУЛФИЯ ИЖОДИГА БАФИШЛАНДИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ҳамкорлигида Зулфия таваллуди кuni муносабати билан ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, талаба-ёшлар ва журналистлар иштирок этган тадбирда Зулфия ижоди ёш авлод тарбиясида маънавият сарнамаси бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. У ҳурликни, миллат руҳини баралла куйлаган, ўзбек аёли қалбини, унинг оруз-итилишлари, изтиробларини шеърга солган жасоратли ижодкор эди.

Давра суҳбати доирасида ўтказилган мушоирада Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шоир мухлислар шоиранинг шеърларидан намуналар ўқиди.

— Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган иқтидорли қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди мазкур мукофот совриндори, университетнинг хорижий филология факультети талабаси Чаман Жонуюзова. — Ушбу мукофотга сазовор бўлаётган қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

Тадбирда Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишланган видеоролик намойиш этилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

Тадбир



АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 201-мактабда авлодлар учрашуви бўлиб ўтди. Унда мазкур мактабда узоқ йиллар ишлаган, айти пайтда «устоз-шогирд» аъналарининг давом эттирилиши яхши ишлар бардавомлигига хизмат қилади.

Тадбирда узоқ йиллар давомида мактабда самарали меҳнат қилган ва бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фидойи устозлардан Насиба Бўриева ўз ҳаёт йўли, ва тажрибалари ҳақида ёшларга сўзлаб берган бўлса, шогирд Гулчехра Фазлидинова мамнулик билдирди.

Учрашув сўнггида мактаб ўқувчилари томонидан устозлар шаънини улуғловчи шеърлар ўқилди, қўшиқлар янгради.

Ўз мухбиримиз.

Реклама

БИЗНЕС ГОЯНГИЗГА КРЕДИТ КЕРАКМИ?

«Ўзмилийбанк» ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси таклиф қилади

Кредит линияси	Мин/максимал	Кредит шартлари
Корея Эксимбанкининг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хом ашёни қайта ишлаш учун Кореядан усуналар харид қилиш. Кредит муддати: 5 йилгача
Хитой Давлат Тарқиқувчи Банкининг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хитойда ишлаб чиқарилган усуналарнинг улуши камиди 50%ни ташкил этиши лозим. Кредит муддати: 5 йилгача
Германияда ишлаб чиқарилган усуналарни харид қилиш учун. Кредит муддати: 7 йилгача	500 минг АҚШ долларидан ёки 500 минг Евродан бошлаб	

Биз сизга ҳамкор ва мададкор!

Мурожаат учун телефонлар:

«Ўзмилийбанк» — (0 371) 235-17-02, 234-45-33

Жамғарма — (0 371) 244-35-29, 244-35-60

Гувоҳнома №760

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные подвижные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtkran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va aqborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338

17660

nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:50

Topshirilgan vaqti — 22:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6